

ЖАХОЛАТ ДАРДЛАРИДАН

Исмимизни билмаймиз! Нима учун? Бизга ўргатмабдурлар. Масалан, исмимиз Абдулсамад экан, «Абсамат», хатто, кишлокларда «Апсат» дерлар. (Афу буюрулсун, адабдан хориж бўлса-да, адабга даъват этар.) Оти Ёдгор экан — «Жодигор», Лутфулло экан — «Нутфулло» аталадур. (Астагфурулло!) Галат атамок сабаби ила авом котиблар тарафидан козихона, валаснойхона хужжатларинда ва ҳукумат маҳкамаларинда ҳам шул тарика галат ва масхаралик ҳолатинда ёзилур. Хатто, шаҳарларда, дўкон ва корхоналарни тепасинда русча ва мусулмоний хат илан «Обдукодир», «Патхулла», «Санатулло» («Санъатулло»), «Обдурахмон» ва мундан ҳам галатроқ ёзилиб осилган лавҳалар бордур. Бу галатлар бонка ва ҳазина ва нотариўс-маковолот муҳаррирлиги доираларигача борар. Бир замон бу галат исмларни тўғри ёзиб маҳкамага берилса, маҳкамадан тўғрини галат деб қайтарарларки, аларни қайтариши тўғридур. Бу галатларни тузатмоғи ва ё дурустларни галат қилмоғи учун иш эгасига, яъни исмни соҳибига ҳафталар ва ойлар ила югурмок лозим келур. Муни-да қўйдуқ.

Шундай галат кета берса, йигирма-ўттуз сана сўнгра халк янадан авомроқ бўлуб, мусулмон исмлари яна зиёдарок бузилур. Дўкон ва корхоналар тепасиндаги унвонлар мундан зиёдарок галат исмларни шомил бўлур. Энди мунга илож, исм қўйганда, исмни маъносини баён қилинмок ва қайфияти талаффузни ота-онага билдурмок керак. Ва алар болани ўзига ҳам билдурсунлар ва исмларни ёзганда ва чакирганда дуруст атамок керак. Ва ҳам «Жўракул», «Норкул», «Тошмурод», «Болтакул»дек маъносиз исмлар ила болани аталмасун. Балки арабий, туркий, форсий маънолик исмлар ила аталсун... Ажаби шулки, идорада галат ёзилиб келган исмларни тўғри ёзиб юборилса, эгалари рози бўлмайдур. Исмлари арабий экан, араб коидаси бўйинча «алиф» — «лом» ила ёзсанг, шикоят этарлар. Оре, ул бечораларга айб йўк. Айб жаҳолатга ва мактабсизликга ва рухонийларни(нг) мусоҳалаларинда, диний ва миллий ишларга диққат этмаганлариндадур. Исм тўғрисида тотор биродарларимизни ҳам баъзи ҳоллари ажойибдур. Масалан, «Айнулло», «Набиюлло», «Рухулло» деган исмларга учраладурки, бу ҳам бир навъ диққатсизликдур.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 18-сон, 318—319-бетлар.